



YOSHLAR OVOZI

Biz — kelajak bunyodkorimiz!

ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙЎЛИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИЛАДИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 15-16 ноябрь кунлари Қорақалпоғистон Республикасида бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бosh Қўмондон Шавкат Мирзиёев Қорақалпоғистонга ташириқнинг иккинчи куни Шимол-Гарбий ҳарбий округга қарашли Нукус гарнизонига бўлди. Бу ерда Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги йиғилишида белгилаб берилган вазифалар ижроси билан танишди, ҳарбийлар билан мулоқот қилди.

Миллий армиямиз жанговар қудратини ошириш, ҳарбий хизматчиларга муносиб шарафлар яратиш доимий эътиборда. Кейинги йилларда бу борадаги ислохотлар янги

босқичда давом эттирилмоқда.

Хусусан, ҳарбий салоҳиятни ошириш мақсадида кўшинларни замонавий ҳарбий техника ва қурол-аслаҳа билан таъминлаш янги босқичга кўтарилди. Назарий билимларни амалиётда синовдан ўтказишга эътибор кучайтирилди. Жорий йилнинг ўзида дала полигонларида жанговар ҳолатларга яқин шартонда амалий машғулот ўтказиш сезиларли даражада ошди. Бу ҳарбий хизматчиларнинг психологик ва руҳий тайёргарлигини мустаҳкамлаш, миллий армиямиз салоҳиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Нукус гарнизони ҳудудидаги ҳарбий қисм ётоқхонаси, ўқув корпуслари, ҳарбий савдо мажмуаси, ошхона, шунингдек, ҳарбий шаҳарчадаги боғча, мактаб ва яшаш уйлари таъмирланди. Кичик ўқув полигони ва чавандозлик тайёргарлиги майдони капитал реконструкция қилинди. Теннис, футбол, волейбол майдончаси янгида қурилди.

Капитал реконструкция қилинган ўқув корпусининг бирида мuddатли ҳарбий хизматчилар компьютер саводхонлиги, тадбиркорлик курслари, хоржий тиллар, математика ва физика бўйича машғулотларда катнашди.

Қисқача айтганда, бу ерда мuddатли ҳарбий хизматчилар келажакда ўзлари учун зарур билимга эга бўлади.

Иккинчи ўқув корпусида мерганлик, артиллерия, ҳаво ҳужумидан мудоаа, ҳарбий топография, ҳарбий тактик махсус тайёргарлик ва алоқа бўйича назарий билимни оширади. Бундан ташқари, бой китоб фондига эга ва замонавий ахборот воситалари билан таъминланган кутубхона аскарлар хизматида. Бу ерда ҳарбий хизматчилар видеомулоқот орқали танikli шоир-ёзувчилар билан суҳбатлашиш имконига эга.

Президентимиз ўқув корпусларида турли мутахассисликлар бўйича ўтказиладиган машғулотлар жараёнини кузатиш.

Ҳарбийларимизнинг ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамол бўлиши учун барча шароитлар яратаямиз. Шунинг учун сизлар вақтингизни беҳуда ўтказмай, китоб ўқишингиз, чуқур билим олишингиз, ахборот технологиялари ва хоржий тилларни пухта ўрганиб, ёшларга ўрнатилган вазифанингизни қатъий адо қилишингиз керак. Чунки ёшлар бизнинг таянчимиз, умидимиз, деди Қуролли Кучлар Олий Бosh Қўмондонни.

Учрашувда ҳарбий хизматчиларнинг яшаш шартини янада яхшилаш, бунинг учун жойларда ташкил этилган ҳарбий-маъмурий секторлар фаолиятини такомиллаштириш лозимлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари Нукус шаҳрининг “Қумбуз овул” маҳалла фуқаролар йиғинида барпо этилган кўп қаватли уйлар ва уларнинг биринчи қаватида жойлашган нодавлат мактабга таълим муассасаси ҳамда онлаин поликлинника билан танишди.

(Давоми 2-саҳифада)

IMKONIYAT



17 КИШИГА ТОПШИРИЛАДИ

Мукофот Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашида ташкилот мукофоти учун танлов ўтказиш жараёнига бағишланган брифинг бўлиб ўтди. Тадбирда танловнинг низомига киритилган ўзгаришлар хақида маълумот берилди.

Жорий йилда Иттифок мукофоти учун номинация сони 33 тадан 17 тага қисқартирилди. “Йилнинг энг яхши Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ходими”, “Йилнинг энг ҳақуқ тарғибчиси”, “Йилнинг энг яхши ёш иxtiroчиси”, “Йилнинг энг яхши ёш блогери” йўналиши янги қўшилган. Саралаш жараёнида номзоднинг Ёшлар иттифоқи томонидан амал-

га оширилаётган лойihalарда фаол иштирокига алоҳида эътибор қаратилади. Хужжатлар 25 ноябрда қадар Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашида қабул қилинади.

Яна бир янгилик. Энди Ёшлар иттифоқининг ҳудудий кенгашлари расислари ҳам мукофотга муайян номзодларни тавсия этиши мумкин. Эслатиб ўтамиз, мукофот голибларини тақдирлаш маросими 25 декабрда бўлиб ўтади. Уларга энг кам иш ҳақининг 30 баравари миқдорда пул мукофоти, статуетка ва махсус диплом топширилади.

Ж.ЭРКИНОВ

ESHITDINGIZMI?

ҲОКИМ НОҚОНУНИЙ ЙЎЛ ТУТДИ

Халқ таълими вазирлиги томонидан Жиззах вилояти ўқитувчиларидан “Сўғдиёна” маҳаллий футбол клубининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун 272 миллион сўмдан ортиқ маблағ йиғилгани аниқланди.

Маълум бўлишича, вилоят ҳокими 2018 йилнинг 2 ноябрда “Сўғдиёна” профессионал футбол клубининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш тўғрисида” фармойиш чикарган. Унга кўра, 3-4 ноябрь кунлари умумхалқ хашари ўтказилган. Боз устига, хужжатда хашар доирасида ташкилот, муассаса ва идораларда меҳнат қилаётган ишчи-ходимларнинг бир кунлик иш хақи футбол клуби ҳисоб рақамига ихтиёрий равишда ўтказилиши ҳам белгилаб қўйилган. Шундай қилиб, ўн та тумандаги умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг ой-

лик маошидан жами 272 миллион 156 минг 729 сўм миқдорда маблағ ушлаб қолинди.

Таъкидлаш жоизки, ҳокимнинг юқоридаги фармойиши амалдаги қонунчилигимизга зид ҳисобланади. Сабаби Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 майдаги “Ўзбекистон Республикасида мажбурий меҳнатга барҳам беришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, умумхалқ хашарини фақат Ўзбекистон Президенти ёки ҳукумат бу ҳақда тегишли қарор қабул қилгандагина ташкил этиш мумкин.

Ҳозирда “Сўғдиёна” футбол клуби ҳисоб рақамига ноқонуний ўтказилган пул маблағларини қайтариш чоралари қўрилмоқда.

Халқ таълими вазирлиги ахбороти асосида тайёрланди.



TARADDUD

ОЧИҚ-ОЙДИН ВА БЮРОКРАТИК ТЎСИҚЛАРСИЗ

19 – 21 ноябрь кунлари пойтахтимизда сайёхлик соҳасидаги
I Халқаро сармовий форум бўлиб ўтади

Йирик анжуман ҳукумат топшириғига кўра Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш ҳамда Инвестициялар бўйича давлат қўмиталари, Ташқи ишлар ва Ташқи савдо вазирликлари, Савдо-саноат палатаси томонидан ташкил этилмоқда. Унинг бosh мақсади

таъниқ устунларидан бирига айланиши керак, — қайд этди Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Абдулазиз Оқуллов. — Бу вазифани шахсан давлат раҳбари олдимизга қўйди. 2016 йил охирида Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасида туризм

қилишга хали тайёр эмаслигини очикчасига тан олди. Бунинг жорий йилда бирин-кетин ўтказилган Ўзбекистон – Россия ўртасидаги I ҳудудларро ҳамкорлик форумига ўхшаш йирик анжуманлар ҳам тасдиқлади. Вилотлар, айниқса, сайёхлик марказларига айланиб улгурмаган ҳудудларда меҳмонхоналар етишмайди. Нарх-наво сисбати бир тизимга келтирилмаган (йило, тадбиркор томонидан маҳаллий ва хоржий сайёхларга бир хил хизмат учун турлича нарх белгилаш ҳолатлари ҳам кузатилмоқда). Кўпгина туристик манзилларга элтувчи йўللари талаб даражасида эмас. Овқатланиш, маданият дам олиш ва бошқа объектлардаги хизмат сифати бўйича ҳам эътирозлар талайгина. Албатта, нуқсонларни бартараф этиш учун вақт керак. Ҳар қайси муаммога индивидуал тарзда ёндашиб, оқидона ечим топиш ҳам талаб қилинади. Шу мақсадда жорий йилдан юртимизда туризмни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга киришилди (хужжатнинг дастлабки лойиҳаси кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилган). Бунда Туркиянинг тажрибаси асос қилиб олинмоқда. Мухим, мазкур қадам соҳадаги илғор мамлакат йўл қўйган ҳатоларни такрорламаслик ва қўзғалган мақсадга тезроқ етиш имконини беради.

Яна Халқаро сармовий форумга қайтсак. Аввало, дастур ҳақида икки оғиз сўз. Бўлажак тадбирлар учун шундай формат танлангани, чет эллик вакиллар бир вақтининг ўзида ҳам Ўзбекистонимиз сайёхлик салоҳияти хақида маълумотга эга бўлиши, ҳам ҳудудий инвестиция лойиҳалари билан танишиши, ҳам ўзларига маълум вариантлар юзасидан фикр алмашиб, бир тўхтамага келиши ва реал келишувларга эришиши мумкин. Дарвоқе, форум доирасида маҳаллий ҳокимликлар томонидан сайёхлик инфратузилмасини шакллантириш

ва мустаҳкамлаш билан боғлиқ нарх 500 та (!) лойиҳани тақдим этилиши кутилмоқда. “Samarqand City”, “Olmatov City”, “Farg'ona yo'li”, “Chiryoq” эркин туристик зонаси, Сурхондарё вилоятидаги кичик сайёхлик ҳудудлари, қолаверса, янги меҳмонхона ва савдо мажмуалари, соғломлаштириш марказлари, тематик парклар, агротуристик кемпинглар шулар жумласидан. Ушбу объектларнинг ҳеч бири ҳаводан олинган эмас. Аксинча, ҳар бирини барпо этиш бўйича қонуний қафолатлар бор.

— Хоржий сармовдорлар ўзларини қизиқтирган исталган лойиҳа юзасидан ҳудудлардаги давлат бошқаруви органлари вакиллари, қолаверса, маҳаллий тадбиркорлар билан бевосита музокаралар олиб бориб, барча масалаларни очик-ойдин ва бюрократик тўсиқларсиз ойдинлаштириб олиши мумкин, — таъкидлади Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Улуғбек Қосимхўжаев. — Шу мақсадда форум дастурига B2B (business to business) ҳамда B2G (business to government) форматдаги учрашувларни киритдик. Баъзи ҳокимлар ҳатто инвесторларни тегишли ҳудудга шахсан олиб бориб, мавжуд шараитлар билан таништирган ҳолда, тадбиркорни имкон қадар қизиқтиришга тайёрлигини ҳам айтган.

Эслатиш керак, эндиликда туристик объект қурилишига бел боғланган тадбиркор Ўзбекистоннинг исталган ҳудудидан ер майдонини электрон аукцион савдолари сиз олишга хақли. Ҳукуматнинг 2018 йил 26 августдаги қароридан мустаҳкамлаб қўйилган мазкур қоида хоржий сармовдорларни юртимизда бизнес очишга ундовчи омил бўлиб хизмат қилса, ажаб эмас.

Наргиза УМАРОВА



юртимиз иқтисодиётининг жадал ривожланаётган тармоғи — туризмга тўғридан-тўғри хоржий инвестицияларини жалб этишдан иборат.

Форумда 48 мамлакатдан 300 дан зиёд вакил, шу жумладан, Туркия, Хитой, Ҳиндистон, Сингапур ва дунёнинг бошқа йирик сайёхлик марказларидаги нуфузли сармов фондлари, қолаверса, халқаро молиявий ташкилотлар, туристик бизнес вакиллари ҳамда мутахассис-экспертлар иштирок этиш истагини билдирган. Шунинг ўзидек тадбир кўлами ва аҳамияти хусусида хулоса чикариш имконини беради. Ҳарқалай, мазмун-моҳият ундан-да жиддий масалалар. Бу ҳақда форум олдидан ташкил этилган матбуот анжуманида батафсил сўз юритилди.

— Яқин истиқболда сайёхлик саноати Ўзбекистон иқтисодиётининг

соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинган, соҳада жуда кўп ўзгаришлар рўй берди. Масалан, 2018 йилдан 18 давлат билан виза режими бекор қилди. Яна 50 мамлакат фуқаролари учун виза олишнинг соддалаштирилган тартиби амал қилмоқда. Қолаверса, “электрон виза” хизмати жорий қилиниб, 19 минг 500 дан зиёд виза хужжати масофалан туриб расмийлаштириб берилди. Натияжада юртимизга келувчи хоржий сайёхлар сони аввалги даврга қараганда нарх 2,5 бараварга ортиди. Ўтган ўн ойлик статистика 4,4 миллионни кўрсатмоқда. Тўғри, қувонингга хали эрта. Лекин озми-кўпми олдига силжиш бор.

Қўмита мутасаддилари юртимиз туристик инфратузилмаси сайёхларнинг катта оқимини қабул



Оила — кичик ватан. Шу маънода оила институтини мустаҳкамлаш давлат ва жамият ривожидан муҳим аҳамият касб этади. Аммо глобаллашув даврида оилага бўлган муносабат салбий томонга ўзгармоқда. Айниқса, Фарб дунёсида оила муқаддаслигига жиддий пуғтур етмапти. Ҳатто оилапарвар, болажон ўзбек халқи орасида ҳам ажримлар сонининг ортиб бораётгани, ачинарли бўлса ҳам, лекин факт.

борми? Ёшларда онлаин кадрияларга чуқур ҳурматни шакллантириш учун нималар қилиш керак? Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази томонидан “Боладар ва ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясида оиланинг рол” мавзусида ташкил этилган халқаро илмий-амалий анжуман доирасида шу саволларга жаваб изланди.

(Давоми 2-саҳифада)

ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙЎЛИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИЛАДИ

(Бошланishi 1-саҳифада)

Президентимиз Қорақалпоғистон Республикасида аввалги ташрифи чоғида Нукус шаҳрида ижтимоий объектлар, уй-жойлар қурилиши лойиҳалари билан танишиб, болалар боғчаси, онлавий поликлиникани кўп қаватли уйларнинг биринчи қаватида жойлаштириш бўйича тавсиялар берган эди. Шаҳарнинг Абдамбетов кўчасида ана шундай лойиҳадаги 5 қаватли 10 та арзон уй қурилади. Ушбу уйлардан иккитасининг биринчи қаватида “Навше” нодавлат мактабгача таълим муассасаси ва онлавий поликлиника ташкил этилди.

Давлат-хусусий шериклик асосида бунёд этилган “Навше” нодавлат мактабгача таълим муассасаси 50 ўринга мўлжалланган. Муассаса болалар онгини ўстиришга кўмаклашувчи турли ўйинчоқлар, методик қўлланмалар билан таъминланган. Инглиз тили, рус тили, шахмат-шашка тўрақлари ташкил этилган.

Президентимиз мактабгача таълим муассасасидаги шароитларни кўздан кечирди. Боғчалар кўп қаватли уйнинг шундоқ ўзида жойлашган одамларга фарзанди кўзи олдида, хотиржам бўлишини, бундан мақсад, аввало, аҳолига қулайлик яратиш эканини алоҳида таъкидлади.

8-оилавий поликлиника аввал Нукус шаҳрининг 26-кичик туманидаги мослаштирилмаган бинода жойлашган бўлиб, шароити оғир, тиббий хизмат кўрсатиш учун етарли имконият йўқ эди. Аҳоли тор доирадаги мутахассисларга кўриниш учун кўп тармокли поликлиникаларга боришга мажбур эди.

10-уйнинг биринчи қаватида барпо этилган 8-оилавий поликлиника ҳудуддаги 8 та маҳалланинг 46 минг аҳолига хизмат кўрсатади. 250 катновга мўлжалланган муассасада сифатли тиббий хизмат учун барча шароит яратилган, рақамли рентген аппарати, УТТ, ЭКГ, биокиме анализатори каби зарур

тиббий анжомлар билан жиҳозланган.

Поликлиниканинг ўзида ижтимоий дорихона мавжуд. У 500 дан ортик, жумладан, 55 турдаги ижтимоий аҳамиятга эга дори-дармонлар билан таъминланган. Дорилар ўзгармайдиган нархларда, арзон сотилади. Муассасада миқозларнинг шифокор қабулига электрон навбатга ёзилиш тизими ҳам йўлга қўйилган. Одамлар уйда ўтириб, онлайн тарзда навбатга ёзилиши ва белги-ланган вақтда шифокор қабулига келиши мумкин.

Президентимиз шифокорлар билан суҳбатда тиббиётга муносабат ўзгарганини, соҳа вакиллари патронаж хизмати миқозини йўлга қўйиши кераклигини таъкидлади.

Оролбўйида экологик вазият оғир. Биз Қорақалпоғистонни тиббий хизмат кўрсатиш бўйича намунага айлантиришмоқчимиз. Бизнинг ишимиздан, аввало, одамлар рози бўлиши керак. Қачон рози бўлади? Соғлиғи мустаҳкам бўлса! Шунда кайфияти яхши бўлади, умри узаяди. Энди ҳисобот, статистика билан эмас, одамларнинг кайфияти билан яшаш керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари шу ерда Абдамбетов кўчасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, “Nukus city” шаҳарчаси қурилиши лойиҳаси билан танишди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Нукус шаҳрида Қорақалпоғистон иқтисодиётини ривожлантириш масалаларига бағишланган йўналиш бўлиб ўтди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кеңеси ва Вазирлар Кеңаши аъзолари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари, секторлар раҳбарлари иштирок этган видеоселектор йўналишини шаҳар ва туманларда кенг жамоатчилик вакиллари қузатиб борди.

Инвестиция муҳити яхшилангани, зарур шарт-шароитлар яратилгани натижасида кейинги икки йилда Қорақалпоғистон ялпи ҳудудий маҳсулотига саноатнинг улushi

36 фонддан 41 фондга ошгани кайд этилди.

Давлатимиз раҳбари кўпроқ иш ўринлари яратиш, бунинг учун янги қорхоналар ташкил этиш ва мавжудларини кенгайтириш бўйича топшириқлар берди.

Мамлакатимизни янги тараккиёт босқичига кўтаришни ўз олдимишга устувор вазифа қилиб қўйган эканмиз, буни амалга ошириш учун бизга, энг аввало, янги авлод кадрлари керак. Ана шундай юксак салоҳиятли кадрларни тарбиялаш мақсадида юртимизнинг ҳар бир ҳудудда биттадан янги типдаги мактаблар – Президент мактабларини ташкил этишни режалаштирганмиз, деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари бу ишни Қорақалпоғистондан, Нукус шаҳридан бошлашни тақлиф қилди. Тақлифни барча кизгин қўлаб-қуватлади. Президентимиз соҳа мутасаддиларига тегишли топшириқлар берди.

Келаси йили Қорақалпоғистонда 2 минг 400 ўринли 7 та мактаб қурилиши, мактабгача таълим ва соғлиқни сақлаш тизимларидаги ишлар изчил давом эттирилиши кайд этилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Нукус халқаро аэропортида нурунийлар, зиёдилар, жамоатчилик вакиллари билан суҳбатлашди. Очик ва самимий мулоқотда мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатидаги ислохотлар, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз юритилди. Йўнгиланган ҳамма жойда ва барча соҳаларда ўзгаришлар бўлаётгани, буни одамлар ўз ҳаёти, маҳалласи, тумани миқосида хис қилаётганини таъкидлади.

Шу билан Президентимизнинг Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи якунланди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Матназар ЭЛМУРОДОВ,
Умар АСРОРОВ,
ЎЗА маҳсул муҳбирлари



Ҳасан УСМОҲОВ

ЎЗГАР, ВАҚТИ КЕЛДИ!

— Глобал тадбиркорлик ҳафталиги орқали илғор мамлакатлардан келган мутахассислар, дунёга машҳур компаниялар асосчилари билан бевосита кўришиб, янги маълумотларга эга бўлдик, — дейди Тошкент давлат иқтисодиёт университети талабаси Абдулқуддус Мансуров.

Бирон ишга қўл уришдан аввал унинг банд-пастини обдон ўрганиб олиши керак. Биз салоҳиятимиз даражасидани мақсадга эриша оламиз. Хорижий экспертлар бу фикрга такрор-такрор мурожаат этгани бежиз эмас. Қандай маҳсулот ишлаб чиқаришдан қатъи назар, даставвал унинг бозорини ўрганиш ва эртга рақобатбардош бўлишига ишонч қилиш тадбиркор учун ўта муҳим.

— Бизнесни бошлаётганда тўсиқларга учрайсиз. Бу — табиий хол. Аммо ўша вақтда ҳаяжонни снган ва ақл-тафаккурга таяниб иш кўрган инсонгина ютади, — дейди “ТС Holdings” компанияси (Исроил) раҳбари Таль Катран.

Ҳафталик дастуридан ўрин олган мулоқотлар ранг-баранг мавзуларга бағишланди. Турizm ва таълим интеграциясига бағишланган анжумани олайлик. Биз учун гоят долзарб масала. Ахир, Ўзбекистон дунё сайёҳлари учун жозибадор ўлмага айланишга интилмоқда. Бунга салоҳиятимиз ҳам етарли. Бирок сайёҳлик инфратузилмасини ташкил

этиш билан боғлиқ муаммоларимиз бор. Сифатли таълим ва малакавий кадрлар шулар жумласидан. Анжуман давомида бу борада тегишли тавсиялар берилиб, жаҳон тажрибаси тилга олинди. Мавжуд муаммоларга амалий ечимлар тақлиф қилинди.

Тан олиш керак, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент давлат шарқшунослик институти, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳамда бир қатор ўрта маҳсул, касб-ҳунар таълим муассасаларида очилган туризмга доир йўналишларда таълим сифати оқсаяпти. Турган гапки, бундай вазият тармоқ истиқболга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Глобал тадбиркорлик ҳафталигининг вилоятларда ўтган қисми ҳам кизгин мунозараларга бой бўлди. Бухоро шаҳрида АҚШ, Эстония, исроиллик мутахассислар ёш тадбиркорлар учун маҳорат дарсларини ўтди. Тенгдошларимиз инновацион лойиҳалар яратиш технологияси билан танишди.

— Ўн олти ёшимда шахсий бизнесини очганман, — дейди “Cherri Media” компанияси (Эстония) раҳбари Андрус Суси. — Ҳеч нарсдан чўчимаганман. Мухими, киши ўзига ишониши керак. Шунда мақсадлари ойдинлашади.

Глобал тадбиркорлик ҳафталиги эртга ўз ишини якунлайди.

МУВАФФАҚИЯТ КАЛИТИ

Ёшлар пресс-клубида “Таълим — миллатнинг муваффақият калити” мавзuida давра суҳбати ўтказилди

Жавлон ВАФОВЕВ

Глобал тадбиркорлик ҳафталиги доирасида ташкил этилган тадбирда Холон технология институти (Исроил) президенти Эдуард Якубов, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири ўринбосари Отабек Назиров, пойтахтимиздаги олий таълим муассасалари ректорлари, йирик тадбиркорлар ҳамда ёшлар иштирок этди.

Тадбир аввалида мамлакатимиз таълим тизимидаги муаммолар ҳусусида сўз юритилди. Таъкидланганидек, аввало, мактабгача таълим муассасаларини малакали кадрлар билан таъминлаб, ёш авлодини болалиқдан ўзи қизикқан соҳага йўналтириш лозим. Йўқса, ижобий натижа чиқиси амримаҳол. Бугун ота-онанинг қистови ёки яқинларининг кўмаги билан олий ўқув юртига қираётган, битириб чиққач ҳам таниш-билиш орқали ишга жойлашаётган ёшлар орамизда, афсуски, йўқ эмас. Бу, сўзсиз, мамлакат раванкига тўсиқликл

қилувчи омилдир. Шу нуқтан назардан, таълимда бошқарувнинг самарали механизмларини жорий этиш ҳамда ўқитишнинг инновацион усуллари кўллаш айлани мудао.

Яна бир жиҳат. Бугун ёшларимизда гоё бор. Бирок аксарийт ҳолларда у кайта ишланмайди. Биринчидан, дангсалигимиз панд берапти. Қолаверса, ҳамма ҳам ўз вақтида далда ва маслаҳат ололмайд.

— Барча муваффақиятларнинг асоси илмдир, — дейди Ўзбекистон Миллий университети ректори Авазжон Марахматов. — Қанча ўрганасан, шунча кам. Инсон қимнидир кўмаги ёки “тавсия”си билан юксалишга ҳаракат қилгани, бас, ярим йўлда қолиб кетиши аниқ.

Тадбир давомида таълимдаги бошқа муаммолар ҳусусида ҳам сўз юритилди. Ёшлар ўзларини қизиктирган саволларга малакали жавоб олди.

АВВАЛ ТАРБИЯ, KEYIN TAЪЛИМ

(Бошланishi 1-саҳифада)

Тадбирда иштирок этиш учун Япония, Корея, Туркия, Литва, Қозоғистон, Россия, Испания ва бошқа мамлакатлардан тажрибали мутахассислар тақлиф қилинди. Улар бола тарбиясида оила, маҳалла, таълим максади-ларнинг ҳамкорлиги нечоғлиқ муҳимлиги, оила ва болаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш, йи-гит-қизларни оилага тайёрлаш, шунингдек, оила институтининг жамиятдаги мавқенини ошириш мақсадида эътиборга олингани лозим бўлган жиҳатларни муҳо-кама этди.

Анжуман давомида болалар ва ёшларни тарбиялашда маънавий мерос ҳамда миллий қадриятларнинг ўрни, маънавий-ахлоқий, ҳуқуқий таълимни шакллантириш бўйича замонавий тадқиқотлар, дунёвий динларда тинчлик ва осойишталик, бағрикенглик ва ахлоқ тамойиллари каби мавзуларда мазрузалар тингланди.

Айниқса, Япониянинг Аши университети фахрий профессори Кунико Хакамада, Корея халқаро муносабатлар универ-



ситети профессори, Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро асоциацияси ижрочи директори Ким Пенг Ил, Мадрид автоном университетининг иқтисодий тадқиқотлар мактаби директори Мануэл Хуан, Россиянинг Курск давлат университети социология ва сиёсатшунослик кафедраси профессори Татьяна Каменевани тақдиротлари кўпчилиқда қизиктиш уйғотди.

— Болага, аввал, таълим эмас,

тарбия бериш керак, — таъкидлади Ким Пенг Ил. — У ота-болалари ким бўлгани, улар қандай жасорат кўрсатганини билсагин, аждоқларига муносиб бўлишга интилади. Илгарии Кореяда шу мантика қаттиқ амал қилинган. Бола икки ёшигача бобо-бувиси ва ота-онаси тарбиясини олиб, кейин алифбони ўрганган. Хуллас, боғчага чиққунча анча сабоқ олган. Аммо бугунги кунда оила институтининг нуфузи

бирмунча сусайгани ҳисобига юртимизда аввалги тизим издан чиқди. Ёшлар катталарни ҳурмат қилмай қўйди. Бу — инкироз ва унга қарши ҳукумат даражасида курашиб келиняпти. Айни пайтда биз ота-оналар мактабларини ташкил қилаймиз. Мазкур тажрибани Ўзбекистонда ҳам қўлаш мумкин.

— Анжуман доирасида ёш авлод таълим-тарбиясида оиланинг ролини кучайтириш борасида илғор хорижий тажрибани ўрганишга ҳаракат қилдик, — дейди “Оила” илмий-амалий татқиқот маркази директори ўринбосари Дилдора Каримова. — Чет эллик ҳамкасбларимиз ўзлари олиб борган тадқиқотлар натижалари билан ўртоқлашди. Шу аснода иштироқчилар ёшлар маънавий-ахлоқий тарбиясида нималарга эътибор қаратиш ва қайси омиллардан воз кечиш кераклиги бўйича фикр алмашди. Бундай мулоқот ва музокаралар тез фурсатда ўз самарасини беради, деган умиддаман.

Нозима МИЯССАРОВА

MUNOSABAT

ЎСИШГА ТУРТКИ БЕРАДИ

Феруза КУРБОНОВА, хунарманд

Ўзбек миллий хунармандчилиги жуда кўҳна. У ўзида миллат тарихи, қадрият ва урф-одатларини ифода этади. Халқимизда азалдан хунар авлоддан-авлодга мерос қолдирилиб, хунарманд сулолалар юзага келган. Уста хунармандлар ўз мактабларини яратган. Бугунги кунда бундай мактаблар юртимизнинг барча ҳудудларида мавжуд. Хунармандларимизнинг ижодий ишлари эса, халқаро миқёсда эътироф этилмоқда.

Давлат томонидан бизга қаратилаётган эътибордан ҳам мамнунмиз. Президентимизнинг жорий йил 5 ноябрдаги “Халқаро хунармандчилик фестивалини ўтказиш тўғрисида”ги қарори ана шу эътиборнинг яна бир намунаси

бўлди. Фестиваль доирасида “Хунармандчилик ва халқ амалий санъати истиқболлари” мавзuida илмий-амалий конференцияни ташкил этиш ҳам кўзда тутилган. Бу бошқа юртлардан келган хунармандлар билан ўзаро тажриба алмашиб, муаммо

ва ютуқларимизни муҳокама этиш имконини беради. Зотан, йирик форумга 149 давлатдан 5 минг нафардан зиёд мутахассис тақлиф қилинган.

Фестиваль келгуси йилнинг 10-15 сентябрь кунлари Қўқон шаҳрида бўлиб ўтиши қутилмоқда. Унинг доирасида нафақат хунармандчилик намуналари, балки тасвирий ва амалий санъат асарлари, қадимий хунармандчилик дастгоҳлари, шунингдек, соҳага оид бадний ва ҳужжатчилик фильмлар, китоблар, альбом ҳамда фотосуратлар намойиш этилади.

Бугунги кунда юртимизда фа-

олият кўрсатаётган “Хунарманд” уюшмасига 20 минг нафардан зиёд хунарманд аъзо. Улар ички ва ташқи бозор учун мингдан ортик маҳсулот турини ишлаб чиқаряпти. Мен ҳам шулар сафидаман. Миллий услубда тақинчоқлар яратаман. Қўплаб ёшларга хунар ўргатдим. Энди улар йўлимни давом эттиряпти.

Уйлашимча, юртимизда илк бор ўтказиладиган Халқаро хунармандчилик фестивали ўзбек хунармандчилиги йўналиш ва мактабларини жаҳонга танитишга хизмат қилади. Бундай нуфузли тадбир ёш авлод қалбида миллий қадриятларга ҳурматни янада кучайтирса ҳам, ажаб эмас. Шаҳсан ўзим фестивалга жиддий тайёргарлик қўрпяман. Янги танишувлар келгуси юксалишимга тurtки беради, деган умиддаман.

TASHABBUS

Миллий ва ўзимизники

Қумар БЕГНИЯЗОВА

Нукусда “Қорақалпоқ халқининг миллий қадриятлари” деб номланган хунармандчилик маҳсулотлари кўргазмаси ташкил қилинди. Унда эллик нафарга яқин хунарманд ижодий ишлари билан қатнашди.



Экспозиция билан танишиш учун Австралия, Италия, Франциядан меҳмонлар тақлиф қилинди.

— Ўзбек халқ амалий санъатининг бетакор намуналари кўзимни қувнатди, — дейди хорижий мутахассислардан бири Франческо Карло. — Қорақалпоқ хунармандлари билан ҳамкорлик қилишга кели-

шиб олдик. Италияда миллий хунармандчилигини тарғиб этишга ўз ҳиссамни қўшмоқчиман.

Чолғу асбоблари устаси Азат Отарбаев ҳамда моҳир қуллоқ Баҳрам Келимбетовнинг санъат асарлари экспертлар томонидан юқори эътироф этилди. Энг сара ишлар муаллифлари муносиб тақдирланди.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ОСИЁ ФОРУМИНИ ЎТКАЗИШДАН МАҚСАД НИМА?

Мамлакатимизда жорий йилнинг 22 – 23 ноябрь кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган Инсон ҳуқуқлари бўйича Осие форумига қизгин тайёргарлик кўрилмоқда. Бўлажак йирик халқаро анжуман Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 70 йиллигига бағишлангани билан аҳамиятлидир.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал САИДОВ билан ушбу халқаро форумнинг моҳияти ва аҳамияти, қўламини ҳамда бўлажак самаралари ҳақида суҳбатлашдик.

— Бу ҳақда фикр юритганда, авваламбор, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил сентябрь ойида бўлиб ўтган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 72-сессияси минбаридан бир қатор муҳим халқаро ташаббусларни илгари сурганини таъкидлаш лозим, — деди А. Саидов. — Ушундан давлатимиз раҳбари, жумладан, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари билан мулоқоти чоғида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 70 йиллиги муносабати билан Самарқанд шаҳрида Инсон ҳуқуқлари бўйича Осие форумини ўтказиш ташаббусини илгари сурди.

Эътибор беринг: БМТ тузилганидан буён ўтган 70 йил ичида инсон ҳуқуқлари бағишланган бундай юксак нуфузга эга халқаро анжуман илк бор Осие китъасида — Ўзбекистонда, қадимий ва хамиша навқирон Самарқанд шаҳрида ташкил этилмоқда. Энг асосийси, ушбу доллар ташаббус халқаро ҳамжамият томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда.

— Давлатимиз раҳбарининг ана шу халқаро ташаббусларини рўёбга чиқариш юзасидан ўтган қисқа даврда қандай амалий ишлар қилинди?

— Тўғри, тарихий янгиланишлар қўламини ва микрос нуқтан назаридан ёндашганда, орада ўтган давр жуда қисқадир. Шунга қарамай, ўтган вақт ичида мамлакатимизнинг тегишли халқаро ва хорижий ҳамкорлари билан биргаликда бу борада муҳим натижаларга эришдик. Ўзбекистон Президентининг жорий йил 5 майдаги фармони билан “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 70 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури” тасдиқланди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси — мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг қўшилган биринчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжатдир. Ушбу Декларациянинг барча асосий принциплари Ўзбекистон Конституциясида ўз ифодасини топган бўлиб, мамлакатимизда, ушбу принципларга амал қилган ҳолда, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларни жамият ҳаётига, фуқаролар ва давлат хизматчилари онгига синдиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Буларнинг барчаси бизга инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг самарали тизимига асос солиш учун ёрдам берди. Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари оид халқаро стандартларни миллий қонуночилиқ ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига боқсима-боқсич имплементация қилиш бўйича ўз моделини яратди.

Давлат раҳбари 2017 йил 7 февралда тасдиқлаган “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” инсон ҳуқуқлари, эркинликларни ва қонуний манфаатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришнинг янги босқичини бошлаб берди. Ҳаракатлар стратегияси БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларини бағишлаган бўйича Ўзбекистоннинг “Йўл харитаси” бўлди. Ўзбекистонни ривожлантириш стратегиясининг қабул қилиниши билан инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш, ҳимоя қилиш ва уларга амал қилиш масалалари давлат сиёсатининг ва халқаро ҳамкорлар билан ўзаро алоқаларнинг устувор йўналишларидан бирига айланди.

— Декларация, Ўзбекистон Конституцияси ва Ҳаракатлар стратегияси билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Осие форумини қандай мезонлар ўзаро боғлаб туряпти?

— Бу гоятда муҳим халқаро ва мил-

лий ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда улар негизда амалга оширилаётган самарали чора-тадбирларнинг барчаси ўзаро уйғундир. Бундан қўзланган асосий мақсад, Ўзбекистон Президенти таъкидлаганидек, «Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устувор» деган тамойилни амалга оширишдан иборат.

Ўзбекистон Президенти БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиш бўйича киритган таклиф ҳам гоят аҳамиятлидир. Бу ташаббус глобаллашув ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги шароитда ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ҳамда уни амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган халқаро ҳужжат қабул қилинишига хизмат қилади. Айни пайтда давлатимиз раҳбарининг яна бир ташаббуси — БМТ Бош Ассамблеясининг “Маърифат ва диний бағрикенглик” маҳсуус резолюциясини қабул қилиш масаласини илгари сурди борасида изчил иш олиб борилмоқда.

Самарқанд шаҳрида Инсон ҳуқуқлари бўйича Осие форумини ташкил этилиши Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси тамойилларига эътиборни янада оширади. Бу, шунингдек, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари соҳасида изчил ва шиддатли ислохотлар амалга оширилаётганини аълолади. Таъкидлаш жоизки, ушбу соҳада кейинги икки йилда эришган натижаларимиз бошқа давлатларга ўрнак бўлишига муносибдир.

— “Инсон ҳуқуқлари бўйича Осие форуми”. Халқаро анжуман нима сабабдан айнан шундай номланди?

— Бунинг асосий сабаби шуки, Буёқ йилда чорраҳасида жойлашган Самарқанд тарихан турли миллатлар, динлар, маданиятлар, тиллар мулоқоти учун очик шаҳар, ўзаро тотувлик, самарали ҳамкорлик ва бағрикенгликнинг намунаси дир.

Яна бир жиҳати — 1948 йили Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганидан буён ўтган 70 йил давомида ушбу принцип сиёсий жараёнларда ҳамда халқаро ҳуқуқ назарияси ва амалиётида доимо кун тартибда бўлиб келмоқда. Бу бежиз эмас. Негаки, дунёда ранг-баранг маданиятлар мавжуд экан, инсон ҳуқуқларининг универсаллиги ҳамма учун умумийлиги, ялпиллиги доллар аҳамият касб этади.

2015 йил сентябрида Нью-Йоркда бўлиб ўтган барқарор ривожланиш бўйича БМТ саммитида Барқарор ривожланишнинг 17 та мақсадни рўёбга чиқариш учун 15 йил ичида амалга ошириладиган 169 та муҳим вазифа белгила олдинг.

Бутун дунёда кечаётган тезкор глобаллашув даврида бу вазифалар давлатлар зиммасига жуда катта масъулият юклайди. Афсуски, дунёнинг айрим минтақаларида давлатлар томонидан инсон ҳуқуқларининг универсаллигини ҳар бир инсон учун таъминлаб бериш осон кечмаяпти.

Биринчидан, агар Осие китъасини оладиган бўлсак, Ер шаридаги энг катта китъа, жами қуруқлик майдонининг 30 фоиздан ортигини эгаллаган бу улкан ҳудуднинг иккисидеги глобал иккисидий фаолликнинг қарий 32 фоизини ташкил этади. Осие мамлакатларида иккисидеги жадал ривожланмоқда. Аҳолининг даромадлари ошмоқда.

Шу билан бирга, иккисидий тараққоёт, ўз-ўзидан, Барқарор ривожланиш мақсадлари таъминланиши ва инсон ҳуқуқлари янада самарали ҳимоя қилиниши, дегани эмас.

Иккинчидан, Осие китъасида яшайдиган 3,1 млрд нарфар аҳоли тахминан 15 та йирик тил оила-сига мансуб турлича тил ва шева-ларда гаплашади. Шунингдек, Осие дунёдаги барча асосий динлар — насронийлик, буддавийлик ва ислом

динининг ватанидир. Китъада бошқа кўп диний конфессиялар ҳам мавжуд. Шунга қарамай, сайёрамизнинг бошқа китъаларидан фарқи равишда, Осиеда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича муайян ҳуқуқларга-ро ёки минтакавий тизим халигача яратилмаган.

Учинчидан, Самарқанд шаҳрида ўтадиган Осие форумининг асосий иш фаолияти инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича китъамиздаги мавжуд механизмларни янада такомиллаштириш ва янгиликларни таъсис этиш, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар ўртасида ўзаро ҳамкорликни таъминлаш юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқишга қаратилди.

— Осие анжуманида қайси халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлардан мутахассислар иштирок этади? Улар қандай масалаларни муҳокама қилидилар?

— Осие форумида дунёдаги нуфузли халқаро ва минтакавий ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда экспертлари иштирок этади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Ислам ҳамкорлик ташкилоти намояндалари шулар жумласига киради. Шунингдек, хорижий мамлакатлар парламентлари аъзолари, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар ва нодавлат нотижорат ташкилотлари фаоллари, экспертлар, чет эл ахборот агентликлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари катнашади.

Агар рақамларда ифода қилинган бўл-сак, Инсон ҳуқуқлари бўйича Осие форумида 40 та халқаро ва минтакавий ташкилот, 19 та хорижий давлат, 4 та мамлакат парламентлари ва 26 та инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институт вакиллари иштирок этади. Уларнинг умумий сони қарий 120 нафарни ташкил қилмоқда.

— Форум иши қандай ташкил этилади?

— Форум ялпи мажлис билан очилади. Сўнгра халқаро анжуман иштирокчилари тўртта сессияда муайян мавзулар бўйича мулоқот олиб борадилар.

Биринчи сессия — “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси мероси — универсаллик ва инсон ҳуқуқлари”, деб номланади. Ушбу сессия иккисидий, ижтимоий, маданий, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларнинг универсаллиги ва ўзаро боғлиқлиги принципларига бағишланади. Унда инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги мажбуриятларнинг бағирилиши борасида эришилган ютуқлар ва мавжуд муаммолар кўриб чиқилади.

Иккинчи сессия — “Инсон ҳуқуқлари — Барқарор ривожланиш мақсадларини таъминлаш асоси сифатида”, деб номланади. Унда БМТ белгилаган мақсадларга эришиш учун инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлашда давлатнинг қонуний чикаруви, икки этувчи ва суд ҳокимиятлари ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг тутган ўрни ва аҳамияти муҳокама қилинади.

Учинчи сессия — “Инсон ҳуқуқлари соҳаси таълими: инновационлар ва янги давлатлар”. Мазкур сессия кең аҳоли қатламларида инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича таълим беришни ташкил этиш соҳасидаги янги ёндашувлар ва инновацион ёчимлар таҳлилига бағишланади.

Тўртинчи сессия — “Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг инсон ҳуқуқлари ҳурмат қилиниши, ҳимоя этилиши ҳамда уларга риоя қилинишини таъминлаш масалаларида давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлиги”, деб аталади. Форум иштирокчилари ушбу

сессияда инсон ҳуқуқлари ҳимоя этилишини таъминлашда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўзаро ҳамкорликда қўлладиган механизмлар, воситалар ва ёндашувлар хусусида сўз юритадилар.

— Форум якунида қандай ҳужжат қабул қилинади?

— Осие форуми якунида Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд декларациясини қабул қилиш режалаштирилган. Ушбу якуний ҳужжат Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Барқарор ривожланиш мақсадларида белгилаган вазифаларни янада самарали бағириш истиқболларига бағишланади.

Хусусан, Самарқанд Декларациясида давлатларнинг халқаро ҳужжатлар асосида инсоннинг барча ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларини бағириши истиқболлари ҳақида сўз боради. Бу жараёнда инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини, тарихий, маданий ва диний ранг-барангликни ҳисобга олган ҳолда рағбатлантириш масалаларига эътибор қаратилади.

— Осие форуми доирасида инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг Марказий Осие Кенгаши ўтказилар экан. Шу ҳақда ҳам қисқача тўхталангиз?

— Ҳа, Осие форуми арафасида, 21 ноябрда Тошкент шаҳрида ўтказиладиган Марказий Осие Кенгашида минтакамиздаги инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг раҳбарлари сўзга чиқади. Кенгашда минтака мамлакатларида инсон ҳуқуқлари ривоя этилиши кўриб чиқилади ва инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар ўртасидаги ҳамкорлиқнинг турли йўналишлари муҳокама қилинади.

Кенгаш иши якулини бўйича Марказий Осиедаги инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг Тошкент Баёноти қабул қилиниши кутилмоқда. Тошкент Баёнотида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонуночилик асосларини Париж принципларига мувофиқ равишда такомиллаштириш, минтакамиздаги инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида ўзаро ахборот алмашиш, самарали ҳамкорлик қилишига доир масалалар акс этади.

Жумладан, минтака давлатларининг таълим муассасалари, бизнес тузилмалари, фуқаролик жамияти институтлари билан инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, бу йўналишда қўшама лойиҳалар ва илмий тадқиқотларни амалга оширишга қаратилган янги ташаббуслар илгари сурлади. “Марказий Осие мамлакатлари инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлари форуми” номли интернет-портал ташкил этиш шундай лойиҳалар қаторига киради.


— Осие форумининг аҳамияти ниманда?

— Инсон ҳуқуқлари бўйича Осие форуми ва миллий институтларнинг Марказий Осие Кенгаши Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг кейинги даврда амалга ошираётган ишларини халқаро ҳамкорларимиз, бутун жаҳон жамоатчилиги вакиллари эътиборига ҳавола этиш учун муҳим минбар воситасини ўтайди, деган фикрдаман.

Хулоса қилиб айтганда, Инсон ҳуқуқлари бўйича Осие форумида, биринчидан, биз яшаб турган кўнра китъада инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари таъминланиши борасида эришилган натижалар кўриб чиқилади. Шу билан бирга, бу борадаги илгор ташаббусларга атроф-қолиба баҳо берилди.

Иккинчидан, Осие китъасида инсоннинг барча ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини таъминланиши, ҳимоя қилиниши ҳамда уларга риоя этилиши юзасидан ўзаро ҳамкорликда келгусида амалга ошириладиган муҳим чора-тадбирлар белгилаб олинади.

ЎЗА муҳбири Абу Бакр ЎРОЗОВ суҳбатлашди.



Ш.ЭРКИНОВ

ИСТИҚБОЛИМИЗ ИФОДАСИ, ҒУРУРИМИЗ ТИМСОЛИ

*Бугун зимдан назар сол
Сен мана бу байроққа,
Майли бир дақиқа
Унутгин турфа кекси.
Шу байроқ номимизни
Этди йироқ-йироққа,
Шу байроқ бирлаштирди
Пароканда ўзбекини.*

Ўзбекистон Қаҳрамони, суюкли шоиримиз Абдулла Ориповнинг юқоридаги мисраларида дард билан қорини аччиқ ҳақиқат бор. Орадан йиллар ўтиб, боболаримиз орзу қилган оилар келди — Ўзбекистон мустақилликка эришди. Истиқлол шарофати билан давлат рамзларига ҳам эга бўлдик.

1991 йил 18 ноябрда “Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тўғрисида”ги қонун қабул қилинди.

Шуларни ёзиман-у, ҳаёлимда бир воқеа айланяпти. Чингизхон Хоразмни истило қилиш олдидан улуг шайх — Намиддин Куброга элчи йўллайди. “Хоразмни босиб олиб, аҳолисини қатл қилмоқчиман. Сиз онла аълоларингиз билан шаҳарни тарқ этиб, хоҳлаган томонингизга кетишингиз мумкин”, — дейди. Аммо шайх она Ватанидан айрилишни истамайди. Ёвга қарши қурашга отланади. Рақиб қўлидан байроғини юлқиб олади-ю, яраланиб ерга чўқади. Кубро байроқни шу даражада маҳкам тутган элики, кейин яловни тортиб олиш учун бармоқларини кесинга тўғри келган. Шайхнинг бу жасорати душманини ҳайратга солгани рост.

Таассуфки, бугун баъзи тендошларимиз давлатимиз байроғининг кадрини тўлиқ ҳис этаётгани йўқ. Албатта, буни Ватанидан олисда яшаётган юртдошимиз ёки халқаро мусобақаларда галиб бўлган спортчи тираирок англайди. Ҳа, миллат рамзи, давлат рамзи бу — шунчаки гаплар эмас. Улар ўзлгинимиз ифодасидир.

Ҳеч эътибор берганимиз, Ватан шаънини ҳимоя қилаётган инсонлардан мақсади ҳақида сўрашса аксарияти: “Ўзбекистон байроғини кўларга кўтариш!” — деб жавоб беради. Бундай иқдор замирида кўп нарса, аввало, муҳаббат ва садоқат тўғрисида бўлади.

Байроқ юртининг қудрати, миллий анъаналари, қадриятларини ўзида ифода этади. У музафариат тимсоли. Бежизга галиб лашкарбошилар жангдан қайтаётганда яловларини боши узра мағрур тутмаган.

Ўзбекистон Қаҳрамони, атоқли адиб Саид Аҳмад Америкага қилган сафарини шундай хотирлайди: “... Американинг тимсоли бўлиб қолган Озодлик ҳайкалин кўрмоқ насиб қилди. Айниқса, БМТ қароргоҳи олдига хиллашаб турган байроқлар қаторида Ўзбекистон байроғини кўрганда, мижжаларимга ёш қалқиб чикканини сезмай қолдим”.

Дарҳақиқат, Конституция, давлат тили, мадхияси, байроғи, герби, миллий валютаси — буларнинг барчаси мустақиллик неъматларидир! Биз, ёшлар ҳар бирини асраб-авайлашимиз даркор. Бу ҳам инсоний, ҳам фуқаролик бурчимиз!

TANLOV

ҲОЖИГА ИЖОДИЙ НАЗАР

Б.АБДУЛҲОЛИКОВ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Орол денгизи муаммосига бағишлаб ўтказилган “Сув — бебаҳо неъмат” кўрик-танлови галибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда Орол фожияси дунё муаммосига айлангани, унинг салбий таъсирини юмшатиш борасида муҳим ишлар амалга оширилаётгани айтилди. Шунингдек, Оролбўйи аҳолисининг тақдирини ҳақида ёзиш, фожиа оқибатларини батафсил ёритиш, муаммага ҳолис муносабат билдириш шу Ватан фуқаросиман, деган ҳар бир инсоннинг бурчи экани таъкидланди.


Жорий йилнинг июнь ойида эълон қилинган “Сув — бебаҳо неъмат” танловида ўзбек ҳамда рус тилларида номинаторлардан ёзувчи ва шоирлар ижодий ишлари билан катнашди.

— Ижодий ишларни саралаб олиш осон кечмади, — дейди Ёзувчилар уюшма-

сининг раиси ўринбосари Ғайрат Мажид. — Иштирокчилар асосан ёшлардан иборат бўлгани, айниқса, қувончли ҳол. Албатта, битта мақола, шеш ёки ҳикоя билан Оролнинг тўлиқ қолмайдми. Аммо, ҳарқалай, шу йўсинда одамлар қалбида табиатга меҳр уйғотилса, шу ҳам катта гап.

Ҳакамлар ҳайъати ҳулосасига кўра, Баҳодир Аҳмедов, Даврон Ражаб, Раҳшона Аҳмедова, Анига Элив совириди ўриларини эгаллади. Қолаверса, Фоти-ма Жалолова “Ўқувчилар меҳрини қозongan асар” номинаторларидан галиб, деб топилди.

Тадбир Борис Бабаев томонидан ишланган мавзуга доир ҳужжатли фильм намоиши билан якунланди.



Inson hayotida unutilmas lahzalar ko'p bo'lishi mumkin. Ammo unutilmas davr bitta. Bu yoshlik "era"si va uning "talabalik", deb nomlanuvchi eng muhim davri. Har kim o'zini talaba sifatida turlicha xotirlaydi. Birov kitobdan bosh ko'tarmagan. Kimdir shumlik qilib, hadeb ustozlarning jig'iga tekkan. Darsdan "qochgan"lar qancha! Nima bo'lganda ham, talabalik yillari biz uchun qadrlidir, ularni yuzda tabassum bilan eslaymiz. Bugun Xalqaro talabalar kuni. Shu munosabat bilan siz, aziz yoshlarga kichik tuhfa hozirladik. Marhamat, o'qing va miriqib dam oling!

Xalqaro talabalar kuni 1946-yilning 17-noyabrda Praga shahrida bo'lib o'tgan Butundunyo talabalar kongressida ta'xis etilgan. Ammo bu bayram aslida fojia bilan boshlangandi.

1939-yilda Chexoslovakiya fashistlar hujumiga uchragach, talaba va o'qituvchilar ta'lim bayrami (28-oktyabr)ni nishonlash uchun Praga ko'chalariga chiqadi. Ammo bosqinchilar ularni tarqatib yuborishga urinadi.

O'rtada kelib chiqqan katta janjal oqibatida tibbiyot fakulteti talabasi Yan Opletal otib o'ldiriladi. Yigitni dafn etish marosimi esa, norozilik namoyishiga aylanib ketadi.

17-noyabr kuni ertalab gestapo va SSchilar talabalar yotoqxonasini o'rab oladi. 1 ming 200 nafardan ortiq yigit-qiz hibsga olinib, Zaksenxauzen konslageriga jo'natildi. Butundunyo talabalar kongressi bunday vahshiylikka murosasiz munosabatda ekanini ko'rsatib, 17-noyabrni Xalqaro talabalar kuni sifatida e'lon qilgan.

Muqaddas MUSAYEVA tayyorladi.

O'zim "kasal" bo'lmaymanmi?!

Sherzod MAHMUDOV

Talabaligimda ko'p hangomalar bo'lgan. Qaysi biri haqida gapirishni ham bilmayman. Birinchi kursda yigitlar bilan kitob sotamiz, deb qarzga botgandik. Yo'q, buni aytish shart emas. Sulton ismli kursdoshimning plastik kartasini yashirib, bir hafta qidirishga majbur qilgandik. Bunisi ham bo'lmaydi! O'zi eshitsa, ranjyidi. Eh-he, nimalar qilmaganimiz-a! Keling, mardikorlikka chiqqanimiz haqida so'zlab bera qolay.

Odatda, talaba deganga uyidan pul jo'natiladi. Sal kechikib qolsa, darhol uyga sim qoqamiz. Ammo bir safar ilojisiz ahvolda tushdim.

Bahor oxirlab qolgan. Hademay sessiya boshlanadi. Bu yoqdan kontrakt to'lovi yaqinlashgan. Nima qilishni bilmayman. Cho'ntakda pul qolmagan. Stipendiyagacha esa, hali ancha bor.

O'yab-o'yab yakshanba kuni kursdoshlarim — Rustam va Jalil bilan "mardikor bozori"ga chiqdik. Nima bo'libdi, tirikchilikning aybi yo'q. Yangimiz, hamma bizga o'la qaraydi. Bittasi kelib, obdon surishtirdi. Kimmiz, qayerdan keldik... Bir payt po'rim kiyingan odam keldi. Olomon duv etib mashinasiga yopishdi. U esa, ham-

mani bir chetga surib, bizni imlab chaqirdi. Qo'rqa-pisa yoniga bordik.

— Uyu qurayman. Ustalar keyingi hafta keladi. Qo'shimning hovlisidagi g'ishtlarni ko'chirib o'tkazish kerak. Qo'lingizdan keladimi?

Bosh iring'adik. Kiyimlarimizni mashina saloniga qo'yayotganimizda yeguliklar solingan yelimxaltaga ko'zim tushdi. "O, yaxshi odamga o'xshaydi", deb o'yladim o'zimcha. Shahar chetidagi yangi qurilayotgan mahallada to'xtadik. Uy egasi bizga ishini taqsimlab berdi-yu, o'zi chala bitgan xonalarning biriga kirib ketdi.

Ertalabdan tuz totmaganimiz. Qorin nog'ora chalyapti. Mezbanning choyga taklif qilish niyati ham yo'q. Uy egasi har zamonada chiqib, ishimizni tekshiradi-yu, yana qaytib kirib ketadi. Nihoyat, tushlik payti bo'ldi. Rustam qiziqqon yigit, birdan tutaqib ketadi. Shu fe'li yetmagandek, aktyorlik qobiliyati ham bor. Sharta gap boshladi.

— Bu odam bizga ovqat bermoqchi emas. Talaba ekanimizni ko'rdi-da. Endi bunday qilamiz, hozir men yolg'ondakam hushindan ketaman. Sizlar: "Qorni och, shunga madori quridi", — deb dod-voy solasiz.

Maslahat pishdi. Darrov ishga kirishdik. Bir mahal: "Iye, Rustam ko'zingni och, og'ayni! Tobing qochdimi?!" — deb baqirdim. "Bemor"ni ayvonga olib chiqdik. Jalil bo'lsa, vodprovoddagi sudvan idishga quyib keltirdi. Uy egasini chaqiramiz. Koshki, bizni eshitsa. Xayriyat, bir payt yugurib chiq-

di. Tezda Rustamning tepasiga keldi.

— Nima bo'ldi senga, uka? — dedi ovozi titrab.

Rustam ko'zini ochmaydi. Jalil kulib yubormaslik uchun labini tishlagan. Men javob berdim: "Ertalab yotoqxonadan choy ichmay chiqqandik. O'zi kamquvvat bola. Necha kundan beri yeyish-ichishining tayini yo'q. Qorni ochqab, xushidan ketgandir-da!"

— Iye, shunaqa demaysanmi? Uy egasi gapini chala qoldirib, darhol tashqariga yugurdi. Darvoza ochiq. Qarab turibman, erkak mashinadan yeguliklar solingan paketni oldi. Oldimizga kelib, paket ichidagi narsalarni birma-bir o'la boshladi.

— Bunaqa qilib yurmagin, ukam! — dedi mezbob "o'ziga kelgan" Rustamga qarab. Keyin unga non sindirib berdi. — Bo'lmasa kasal bo'lib qolasan! Qani, ol, uyalmay yeyaver! Ahvolingni qara, ko'zing kirtayib, ichiga kirib ketibdi-ya...

Qarasak, mezbanning biz bilan ishi yo'q. Nomiga olinglar, deb ham qo'yadi. Rustam esa, yeguliklarni paqqos tushiryapti. Ishtahamiz ochildi. Bir mahal uy egasi bizga yuzlanib:

— Sizlar nega turibsiz? Bo'ldi, do'stingiz o'ziga keldi. Endi ishga kirishinglar, — desa bo'ladi! Oyoq-ko'lim bo'shshab ketdi. Rustam esa, kulib yubordi. Uy egasi hayron. Jalil ikkimiz shumshayib bir uyum g'isht oldiga keldik. Ichimda afsuslandim: "Attang, o'zim "kasal" bo'lmaymanmi?!"

Talabalik bu — ...

Egamberdi AZIMOV
(Toshkent tibbiyot akademiyasi):



— Inson organizmida yurakning o'rni qanday bo'lsa, mening hayotimda talabalik davri shunchalik muhim ahamiyat kasb etadi. Oliyog'onda o'tkazilgan oltiniga teng yillar puxta bilim olib, kelajagimiz uchun mustahkam poydevor hozirlashga imkon beradi. Men odamlarni davolash, xastalarga shifo ulashishdek olib borib kasbni tanlaganman. Demak, yelkamda katta mas'uliyat bor. Uning zalvorli yukini har dam his etgan holda, o'qish va o'rganishdan to'xtayotganim yo'q.

Sojida RAVSHANOVA
(O'zbekiston Milliy universiteti):



— Men uchun talabalik — abituriyentlik davri nihoyasiga yetgan, yangi do'stlar topilgan, yangicha hayot tarzi boshlangan kun. Naqadar baxtliman-al Axir, endi qalbm "qachon o'qishga kirar ekanman", "talaba bo'lish menga nasib etarmikan", degan ming hadigu hayajonlardan xoli. Hozir men masrur damlarni boshimdan o'tkazayman. Va bundan juda xursandman. Qaniydi, talabalik hech qachon tugamasa...



Gulasal QURBONOVA
(Jahon iqtisodiyoti va diplomatiya universiteti):

— Talabalik bu — ko'proq bilim olish, o'sish va yuksalish fursati. Ajoyib do'stlar davrasi, qizg'in bahs-munozaralar, jiddiy imtihonlar pallasi. Men shu tengsiz vaqtimdan unumli foydalanib, mohir diplomat bo'lishni dilimga tugganman. Shubha yo'q, orzuim, albatta, ushalarajak. Faqat porloq kelajak sari dadil qadamim bugundan boshlash kerak.

SHAKARXANDA

Imtihonga kirgan talabadan o'qituvchi so'rabdi: — Ismingiz nima? Talaba kulib: — Hasan. — Nega xursand bo'lyapsiz, Hasanjon? — hayron qolibdi o'qituvchi. — Birinchi savolingizga aniq va lo'nda javob berdim-ku, ustoz.

Rektor talabadan so'rayapti: — Nega aynan bizning universitetni tanladingiz? — Ahmoqona savol bermasangiz-chi, dada!

Ikki talaba turmush quribdi. To'yda kelin hech narsa yemay o'tirsa, bir mehmon so'rabdi: — Iye, nega kelin hech narsa yemayapti? O'tirganlardan biri: — Chunki u pul qo'shmagani!

Talaba adabiyotdan imtihon topshiryapti. Yo-zuvchining tug'ilgan yilini biladi-yu, ammo vafot etgan yili esida yo'q. O'qituvchi: — Yo-zuvchini vafot etgan yilini aytin! Talaba: — Uni o'ldi deysizga tilim bormayapti. U men uchun doimo tirik!

Erkin ABDUSATTOROV to'pladi.

Menga g'avg'ol kerak emas!

Vaqt o'tishini qarang. Ko'z ochib-yumguncha ikki oy ortda qolibdi. Bir amallab amaliyotni ham o'tadim. Endi bir g'ayrat qilib, hisobot yozib bersam, olam qulibon.

"Men, Ochilidiev Sirboy 5-sentyabrda 31-oktabrgacha bitiruv oldi amaliyotini "Bugun" gazetasi tahririyatida o'tadim. So'zim avvalida mazkur nashr haqida ma'lumot berishni joiz deb topdim. "Bugun" ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazeta bo'lib, haftada ikki marotaba chop etiladi. Adadi — 20 ming nusxa.

Bitiruv oldi amaliyoti chog'ida rahbarim ko'magida "Gap yo'q!", "Besh tashlang", "Boriga baraka" kabi nuknlr uchun bir qancha materiallarni tayyorladim. Xabar tayyorlash, tahrir belgilarini qo'llash, maqolaga mos rasm tanlashni o'rgandim. O'ndan ortiq maqolam gazeta sahifalarida e'lon qilindi. "Gul bir yon, chaman bir yon", "Sizni deb", "Qaniydi", "Osmon orzular", "Halinchak" kabi maqolalar mushariylarning alohida e'tiborini qozongan. Shunday qilib, ko'z ochib-yumguncha amaliyotim o'z nihoyasiga yetdi".

"Ko'z qo'rqqoq, qo'l botir", deydi. Hi-

sobotni qanday yozsam ekan, deb bekorga bosh qotirib o'tirgan ekanman. Mana, birlasda bitdi-qoldi. Ammo, bilsangiz, yolg'on to'qish ancha mushkul ish ekan. Rosti, o'tgan ikki oy davomida tahririyat ostonasidan hatlab ham o'tganim yo'q. Dadajonim omon bo'lsin, "Bosh muharrir og'aynim, amaliyotga borib ovora bo'lma, o'zim hammasini "yes" qilaman", — degandi. Familiyamni qo'yib, bir-ikkita maqola chiqartirib berdi. Baraka topsin! Juda minnatdorman.

Bitiruvchi kurs bo'lish o'zi oson emas. Bir tomonda o'qish, bir tomonda do'stlarim bilan choyxonaga borishim kerak. Ul-gurmayapman. Ustiga-ustak, amaliyot ham qo'shildi. Aslida bu befoyda ish. Behudaga hisobotlarni yozib, fayl papkani to'ldiramiz, xuddi bir ishini do'ndirib qo'ygandek. O'lay agar, o'sha qog'ozlarni birovi tekshirsa! Shu desangiz, endi diplom ishi g'avg'osi boshlangan. Bir amallasam, bu yog'i "besh" bo'ladi! Tunov kuni kursdoshim Jo'raboy aytdi, malakaviy bitiruv ishini 200 dollarga yozdirayotganmish. O'zi yozib, tag'in taqdimot paytida tegishli shaxslarga "qistir-qistir" qilmagan talabanning sho'riga-sho'rva to'kilarkan. Savollarga naq ko'mib tashlashadi! E yo'q, menga ortiqcha g'avg'o kerak emas! Yaxshisi, soqqasini berib, ishini hal qilib qo'ya qolaman. Nima dedingiz? Darvoqe, bu gap oramizda qolsin-a. Boshqalar eshitishi shart emas, kelishdikmi?!

Uddaburon talaba tilidan Ma'mura XO'JAQULOVA yozib oldi.

DILDAGI GAPLAR

Rahmat sizga, kursdoshlar!

Husan NUSRATOV

Boysunlikman. O'zbekiston Milliy universitetida o'qiyman. Nogiron ukam bor. Ammo sira o'kinmayman. Hozir yozayotganlarimni xoh ko'ngil iztirobi, xoh dil izhori, deb qabul qiling. Barchasi boshimdan o'tgan voqealar. O'tgan yili kech kuzda xastalangan qoldim. Ertalab tanamda qattiq og'iriy paydo bo'ldi. Kursdoshlarim — Jamshid va Islom meni darhol kasalxonaga olib bordi. Avvalroq Islom bilan qattiq urishib, bilmasdan qalbiga ozor berganim yodimda. Uyali ketdim, lekin uzr so'rashga jur'atim yetmadi. Og'riq azobi meni o'ziga tamomila bo'ysundirib olgandi.

Nihoyat, tahlil natijalari chiqdi. Operatsiya qilish kerak! Bir yo'la uchta taxxis qo'yilgan. Shifokorning aytishicha, organizmim faqat bitta jarrohlik amaliyotini ko'tara oladi. Birinchi navbatda, ko'richakni olib tashlash zarur. Rozi bo'ldim. Kursdosh yigitlar va guruh rah-

barimiz ishtirokida hujjatlarni rasmiylashtirdim. Boysunga qo'ng'iroq qilib, ota-onamga vaziyatni tushuntirdim.

— Husanjon, hamma narsaga tayyor turgin! Shifokorning bu gapini meni esan-kiyatib qo'ydi. O'tragga cho'kkan sukumatdan "tars" yoriyay derdim. Yana uyga qo'ng'iroq qildim. Qalban yaqinlarim bilan xayrlashdim. Operatsiya boshlandi...

Ko'zimni ochganimda kursdoshlar tepamda turardi. Bir-biriga gap bermay, hazil-mutoyiba qilib, ko'nglimni ko'tarishga harakat qildi. Men qayta tug'ilgandek edim.

Tun og'ir o'tdi. Ertasi kuni kursdosh qizlar issiqqina tovuq sho'rva qilib keldi. So'ng yana yigitlar bilan gurgunlashdik. Sal turib yuqori kursdan bir nechta talabalar yo'qlab keldi. Bunday mehr-oqibatni, rosti, kutmagandim. Beixtiyor ko'zim yoshlandi.

Oradan to'rt kun o'tdi. Ancha-gina o'zimga kelib oldim. Menga

g'amxo'rlik qilayotgan insonlar yonimda bo'lsa-da, ammo ota-onam sog'inchi qalbimni o'rtardi. Bilaman, o'sha kezda mushtiparalarim ham og'ir bo'lgan. Ichidan o'tganini o'zi biladi. Faqat do'stlar davrasida ekanim ularga birozi taskin berardi. Biri meni kiyintirsa, boshqasi ovqatlantirib qo'yar, yana birovi tuni bilan yonimdan jilmasdi.

Chorak asr yashab qo'yan bo'lsam-da, bunday sadoqatni ko'rgan emasman. Tangrim menga ana shunday oqibatli insonlarni ro'para qilgani — ulkan baxt!

Og'ir kunda yonimda bo'lganlarga boshim yengda tekkingcha ta'zim qilaman. Hayot — imtihon. Shukrki, mehribon kursdoshlarim daldasi bilan og'ir sinovdan eson-omon o'tib oldim. O'sha voqeaga ham roppa-rosa bir bo'ldi. Hozir, kasalxonada betob yotganim, meni ko'rishga kelgan kursdoshlar, 17-noyabr — Xalqaro talabalar kunini birgalikda nishonlaganimiz ko'z o'ngimdan bir-bir o'tmoqda. Yiqilganida suyab, oyoqqa tug'ilgan guruhimizning bahodir yigitlari, oqibatli qizlari, hammaingizga rahmat aytaman! Sizlardan umrbod qarzdorman! Bayramingiz muborak bo'lsin!

MUASSIS
O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI
MARKAZIY KENGASHI
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2017-yil 2-avgustda № 0242 raqami bilan qayta to'yxatdan o'tgan.
Bosh muharrir Karimov Faxriddin Turdaliyevich

Tahrir Hay'ati
Mansur Bekmurodov, Laziz Tangriyev, Madamin Safarov, Alisher Sa'dullayev, Dilmurod Nabiye, Azim Mirzajonov, Nodir Abduqodirov, Nargiza Umarova — bosh muharrir o'rinbosari ("Yoshlar ovozi"), Irina Kochergina — bosh muharrir o'rinbosari ("Молодежь Узбекистана"), Yelena Kalinina — mas'ul kotib ("Молодежь Узбекистана")

Dizayner Abdullayev Xurshid O'ktamjonovich
Navbatchi Javlon Vafoyev

"YOSHLAR OVOZI" dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Belgisi bilan tijoriy materiallar chop etiladi.

Tahririyat manzili: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.
Telefonlar: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97, (371) 233-79-69 (faks)
E-mail: yoshlarovozi@mail.uz

"Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida, A-2 formatda chop etildi. Hajmi — 2 bosma taboq.
Korxonamanzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Indeks: 203, 3203
Bahosi kelishilgan narxda.

Buyurtma G-1136 Adadi — 11186
O'fset usulida bosilgan.

Bosilishga topshirish vaqti — 21.00
Topshirildi — 00.30
O'zA yakuni — 23.30

Gazeta materiallari tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.